



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 28 январь, № 19 (7799)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш бўйича долзарб вазифалар белгиланди

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 27 январь куни ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 18 миллиондан зиёд. Бу — аҳолининг қарийб 55 фоизини ташкил этади. Замон талабларини илғаш ва амалга ошириш, соҳа ва тармоқларни оlib бoшлaшда бу жуда катта таянч, бебаҳо хазинадир.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ёшлари форуми ҳамда Олий Мажлисга Мурожаатномасида ёш авлод манфаатларига қаратилган муҳим ғоя ва ташаббусларни илгари сурган эди. 2021 йил — “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили” деб эълон қилинди.

Йиғилишда форум ва Мурожаатномада айтилган тақлифларни амалга ошириш, ёшлар билан ишлаш бўйича янги тизимни жорий этиш борасидаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

муаммолар бор. Аксарият маданият марказлари, истироҳат боғлари ва спорт комплексларининг моддий-техника базаси қониқарсиз, тўғрақлар номига ишляпти.

Йиғилишда бу муаммоларни манзилли ҳал этиш учун ҳар бир туман ва шаҳар кесимидаги устувор вазифалар кўрсатиб ўтилди. Унга мувофиқ, ҳокимнинг иқтисодий, инвестициялар ва қишлоқ хўжалиги бўйича ўринбосарлари — бандлик масалалари;

солиқ идораси, савдо-саноат палатаси ва тижорат банклари раҳбарлари — ёшларни тадбиркорликка жалб қилишга; ҳокимнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга; туман прокурори, ички ишлар ва мудофаа бўлими бошлиқлари — уюшмаган ёшлар билан ишлаш, жиноятчиликни жилавлaш, уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга масъул бўлади.

Жорий йилда 500 минг нафар ёшни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш зарурлиги таъкидланди. Туман ва шаҳарларда анъанавий ёки масофавий ўқув курсларини кўпайтириш, ишсиз ёшларни ушбу тизим орқали касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиб, бандлигини таъминлаш бўйича топшириқлар берилди.

— **Бир миллион сўм берсак ҳам, 10 миллион берсак ҳам, фақат ўқитиш керак. Бутун дунёда аввал ўқитмасдан пул бермайди, — дея таъкидлади давлат раҳбари.**

“Ишга марҳамат” мономарказлари ҳамда касб-хунар коллежларини асос-усуна билан таъминлаш, касб стандартларини ишлаб чиқиш ва ўқитувчилар малакасини ошириш вазифалари белгиланди. Бунинг учун Осиё тараққиёт банкнинг 93 миллион доллар кредитини жалб этиш мўлжалланган.

Шунингдек, қудуқлар қазиб, захира ерларни ёшларга фойдаланиш учун бериш, томорқада лимончилик, паррандачилик, қуёнчилик, асариччилик қилишлари учун кредитлар ажратиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, қобилиятини юзага чиқариш учун зарур шароитлар яратиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Мусиқа ва санъат мактаблари, маданият марказлари, музейлар қуриш ҳамда таъмирлаш орқали уларда ёшлар қамровини 30 фоизга етказиш мақсади белгиланди. Бунга жорий йилда бюджетдан 150 миллиард сўм ажратилди.

Чекка ҳудудлардаги мактабларда намунавий тўғрақлар ташкил этиш, ёшларни аждодларимизнинг бой маданий мероси билан яқиндан таништириш, улар ўртасида ички туризмни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Жорий йилда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиб, спорт билан шуғулланувчи аҳоли сонини 25 фоизга, ёшлар қамровини 20 фоизга етказиш мақсади белгиланди. Болалар бoғ-часи ва мактабларни спорт анжумлалари билан жиҳозлаш учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилган.

Мутасадди вазирликларга мактабларда 20 мингта спорт тўғрагини ташкил этиш, спорт федерацияларини, халқаро мусобақалар ғолибларини мактабларга бриктириб, ёшларни профессионал спортга жалб қилиш юзасидан вазифалар қўйилди.

Хозирги ёшларнинг замонавий технологияларга қизиқиши юқори. Ўтган йили IT-паркнинг 5 та филиали ва

Рақамли технологиялар ўқув марказларида 10 мингдан ортиқ ёшлар сабоқ олган.

Бу қамровни кенгайтириш мақсадида ҳар бир туманда камидан биттадан мактабда IT-тўғраги очилди, яна 100 та Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этиб, 20 минг йигит-қизни дастурлаш ва ахборот технологиялари соҳасида тадбиркорликка ўқитиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда ёшларнинг ижтимоий масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунда 129 та олий ўқув юртида 500 мингдан ортиқ талабалар ўқитилган, лекин улар ётоқхона билан етарлича таъминланмагани кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга талабалар уйлари кўпайтириш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари иқтидорли ёшларни кашф қилиш, уларнинг ташаббус ва иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ўзбекистон учун 100 ғоя” лойиҳасини илгари сурди. Лойиҳа доирасида шаҳар ва қишлоқлардаги ташаббускор ёшларнинг иқтисодий, таълим, спорт, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари каби соҳалардаги ғояларини рўёбга чиқариш учун шароит яратилди.

Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят ва туман ходимлари ойлик маошини ошириш бўйича ҳам тақлиф билдирилди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ОНЛАЙН САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Мун Чже Ин олий даражада илгари эришилган келишувларга мувофиқ 28 январь куни видеоконференцияда учрашув ўтказадилар.

Музокаралар кун тартибидан икки томонлама алоҳида стратегик шериклик муносабатларини, минтақавий ҳамкорлик ва мамлакатларимизнинг халқаро ташкилотлар доирасидаги шериклигини ривожлантиришга доир долзарб масалалар ўрин олган.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея етакчилари сиёсий мулоқотнинг бугунги ҳолати ва уни мустақамлаш истиқболларини, савдо, инвестициялар, инновациялар, саноат ва энергетика, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият алоҳида алоҳида аниқ лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш масалаларини таҳлил қиладилар.

Бўлажак мулоқотлар ва қўшма тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди. Саммит якунида рақамли технологиялар, лойиҳалаштириш фаолияти, соғлиқни сақлаш ва бошқа муҳим йўналишларда янги ташаббусларни илгари сурдиш кўзда тутилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон — Жанубий Корея: ТАРАҚҚИЁТ ВА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги серқирра ҳамкорлик изчиллик руҳи ҳамда кенг қўлмали иқтисодий мазмун-моҳияти билан ажралиб туради.

1992 йил 29 январь куни икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан буён 16 марта олий даражадаги ташрифлар амалга оширилди.

Сўнгги тўрт йил давомида Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари икки давлат раҳбарлари ўртасидаги бой ва сермазун сиёсий мулоқотга асосланган ҳолда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. 2017 ва 2019 йилларида амалга оширилган ўзаро давлат ташрифлари натижасида имзоланган ҳуқуқатларор шартномаларнинг умумий миқдори 22 миллиард долларни ташкил этди. 2019 йил апрель ойида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар “алоҳида стратегик шериклик” даражасига кўтарилди.

Ушбу юқори мақом 2020 йилда коронавирус пандемияси бутун дунёни қамраб олган, халқаро ҳамкорлик, глобал иқтисодий ва ривожланишга салбий таъсир ўтказган вазиятда ўзининг ёрқин исботини топди. Ўтган йили Корея Республикаси Ўзбекистонга 314 миллион доллар миқдорда сармоя киритди ва Жанубий Кореянинг мамлакатимиз иқтисодига йўналтирган инвестициялари умумий ҳажми 7 миллиард доллардан ошди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда сўнгги бир неча йил ичида Жанубий Корея капитали иштирокидаги корхоналар сони қарийб икки баравар ошди. 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикамизда 875 та ана шундай корхона рўйхатдан ўтказилган, шу жумладан, улاردан 539 таси 100 фоиз хорижий капитал иштирокида ташкил этилган. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг 74 та компанияси ваколатхоналари аккредитациядан ўтган.

Икки давлат ўртасида ўзаро манфаатли савдо алоқаларини ривожлантириш учун энг қулай муҳит яратилган. 2020 йилда савдо айланмаси ҳажми пандемия тўғрисида 2,1 миллиард доллардан ошди.

Икки мамлакат қонун чиқарувчи органларидаги дўстлик гуруҳлари алоқалари фаол ривожланимоқда.

Ҳар йили ўтказиладиган “Корея Республикаси — Марказий Осиё” ҳамкорлик форуми доирасидаги ришта изчиллик касб этган.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси кўп томонлама асосда ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Сеул Ўзбекистон ташаббуси билан 2018 йил БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган иккита ҳужжат — “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлаш” ҳамда “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияларини қўллаб-қувватлади ва уларнинг ҳаммуаллифи бўлди. Жанубий Корея, шунингдек, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021 — 2023 йиллар учун ўтказилган сайловда Ўзбекистон номзоди учун овоз берди.

Маданий-гуманитар соҳа ўзаро муштараклигини муҳим йўналишидир. Икки мамлакат Президентлари иштирокида 2019 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида Корея маданияти ва санъат уйининг очилиши тарихий воқеа бўлди. Бу маскан мустақам дўстлик ва ўзаро юксак ҳурмат рамзи, бугун юртимизда истиқомат қилаётган қарийб 180 минг кишилик корей диаспораси вакилларининг учрашув манзилига айланди.

Муносабат Баркамол Авлод Тарбияси — Устувор Мақсад

Президентимиз раҳбарлигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш юзасидан қўллаб-қувватлаш белгилаб берилдики, уларнинг барчаси бугунги кунда жуда ҳам долзарб. Шулар хусусида мутасаддилар ўзларининг фикрларини қуйидагича баён этишди.

Алишер САЪДУЛЛАЕВ, Ёшлар ишлари агентлиги директори: — Йиғилишда ёшлар муаммоларини тизимли ўрганиш масаласи ҳақида сўз борди. Ушбу жараёнда ҳар бир маҳалладаги секторларга бириктирилган иқтисодий ва ижтимоий блок вакиллари орқали навқирон авлодни қийнаётган масалалар ўрганилади. Бу ерда асосий эътибор ёшлар етакчилиги ва ўша маҳалладаги профиллактика инспекторлари ҳамкорлигига қаратилди. Улар ўз ҳудудларидаги муаммолар ҳақида ҳар бир маҳалла ва сектор раҳбарларига тизимли равишда маълумот етказиб туради.

Президентимиз маҳаллада

Давра суҳбати

МУНОСИБ МЕХНАТ ОРҚАЛИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ САРИ

Кеча Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия томонидан Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) билан ҳамкорликда “Муносиб меҳнат орқали барқарор ривожланиш сари” мавзуда видеоконференцияда шаклида давра суҳбати ўтказилди.

Унда миллий комиссия аъзолари, ХМТ Бош директорининг ёрдамчиси — ХМТнинг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий бюроси директори раҳбарлигидаги делегация, БМТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари раҳбарлари, Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё

тараққиёт банки вакиллари, АҚШ, Германия, Швейцария ва Россиянинг мамлакатимиздаги элчилари иштирок этди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева, Халқаро меҳнат ташкилоти Бош директорининг ёрдамчиси Х. Коллер ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари чиқиш қилди.

Жаҳонда кечаётган мураккаб геосиёсий жараёнлар, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистон очик ва прагматик ташқи сиёсатни фаол олиб бормоқда. Халқаро майдондаги қатъий саяҳатларимиз натижасида юртимизнинг нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан.



Президентимиз томонидан бундан икки йил муқаддам, аниқроғи, 2018 йил 21 сентябрда қабул қилинган “2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонда қуйидаги жумалар келтириб ўтилган эди: “... мамлакатимиз сўнгги йилларда нуфузи ва обрўи халқаро тузилмалар томонидан тузилганди Глобал инновацион индекс рейтингини яхшироқ этмапти”.

Мушоҳада

Ўтган икки йилдан сал ошмироқ давр мобайнида мажбурий Фармонда белгиланган устувор вазифалар ижроси таъминланиши натижасида Ўзбекистон иқтисодийи машҳур Глобал инновацион индекс (“The Global Innovation Index” —

GI)да 93-ўринни банд этди. Ваҳоланки, бу индексда жами 131 мамлакатнинг иқтисодийи баҳо берилган.

Рейтингда ҳамон Швейцария, Швеция, АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия каби давлатлар етакчи бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистоннинг таъбир жоиз бўлса, ўз пешона тери билан халқаро майдонда эришган ютуқлари ҳақида Президентимиз 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга йўналган Мурожаатномасида ҳам алоҳида тўхталиб, “Жаҳонда кечаётган мураккаб геосиёсий жараёнлар, коронавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистон очик ва прагматик ташқи сиёсатни фаол олиб бормоқда. Халқаро майдондаги қатъий саяҳатларимиз натижасида юртимизнинг нуфузи ва обрў-эътибори тобора юксалмоқда”, дея таъкидлади.

Ўтган йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4 500 нафарга етказилди ёки 2017 йилдагига нисбатан 3 баробар оширилди.

Ушбу мақсадлар учун бюджетдан қўшимча 240 миллиард сўм ажратилди.

Ўтган йилда илк бор математика, кимё-биология ва геология фанларини таълим ҳамда илмнинг устувор йўналиши сифатида белгилаб, уларни комплекс ривожлантириш чоралари кўрилди. Жумладан, 98 та ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда Геология фанлари университети ташкил этилди.

Жорий йилда физика ва чет тилларини ўрганишни устувор йўналиш қилиб белгилаш тақлиф этилди.

Ўзбекистон — Жанубий Корея:

ТАРАҚҚИЁТ ВА ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистоннинг корейс миллатига мансуб аҳолиси ўз она тилини мамлакатимиздаги 48 та мактаб ва лицей ҳамда 7 та университетда ўрганиш имкониятига эгалигини таъкидлаш лозим. Бундан ташқари, республикамизда Жанубий Кореянинг сўнгги йилларда очилган Инчхон, Пусан, Ёку университетлари филиаллари, шунингдек, Фарғона шаҳридаги Корейс халқаро университети фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон олий ўқув юртилари ушбу давлатнинг 45 дан ортиқ университети ва илмий-ишлаб чиқариш ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

2014 йили Тошкентдаги Дўстлик боғи ҳудудида очилган Сеул боғи, шунингдек, 2018 йили пойтахт кўчаларидан бирига Сеул номи берилгани ҳам ўзбек ва корейс халқларининг мустақам дўстлиги раъзи бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 30 октябрь кун видеоконференция шаклида бўлиб ўтган Шинжаң иқтисодий ҳамкорлик икки томонлиқ халқаро форумидаги натижада Ўзбекистон Жанубий Кореяни мамлакатимизда рақамли ва "яшил" технологиялар жорий қилиш жараёнидаги асосий ҳамкорлардан бири сифатида билишини таъкидлади. Республикада Ўзбекистон — Жанубий Корея ўқув ва амалий тўқимачилик технологиялари, Нобел металлари ва қотишмалар илмий-технологик маркази, Қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технология маркази, "Электрон ҳукумат" соҳасидаги Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлик маркази ташкил этилган. Қўриқлиш ва кимёвий технологиялар

бўйича Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлик марказларини яратиш масаласи ўрганилмоқда.

Сўнгги йилларда соғлиқни сақлаш борасида ҳам кенг қўламли қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2019 йил апрель ойида бу йўналишдаги Ўзбекистон — Жанубий Корея ҳамкорлик марказига асос солинди. 2020 йил май ойида EDCFC жамғармаси кўмағида Тошкентда болалар кўп тармоқли марказининг қурилиши якунланди. Катталар учун кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Онкология клиникасини қуриш лойиҳалари қўриб чиқилмоқда. Ўзбекистон шифокорлари Жанубий Кореянинг етакчи клиникалари ҳамда марказларида ҳар йили билиминини бойитишга ва иш ўрганишга. Бугунги кунга қадар 400 дан ортиқ тиббиёт мутахассислари ушбу имкониятлардан фойдаланиб ўз малакасини оширди.

Пандемия даврида, яъни 2020 йил апрель-май ойларида Корея университети эпидемиологлари Цой Чжэ Ук (1-даражали "Саломатлик" ордени билан мукофотланган) ҳамда Юн Синг Жу Ўзбекистонга келиб ҳаммасбларига кўмак ва маслаҳат берди.

Мухтасар айтганда, бугун икки ишончли шерик қўшма лойиҳалари ёки дастурлари қарамб олмаган соҳа деярли йўқ. Қўшма ташаббусларнинг салмоқли рўйхати бундан кейин ҳам Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатларини янада юқори даражага олиб чиқадиган янги режалар билан тўқидириб боравериладди.

«Дунё» АА.

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ — УСТУВОР МАҚСАД

Қишлоқ ҳўжалиги, иқтисодиёт, ташқи савдо ва инвестиция, умуман, ҳар бир соҳада ҳўзирги кунда мавжуд 844 минг ўғил-қизнинг қандай қилиб бандлигини таъминлаш бўйича

Шерзод ШЕРМАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири:

— Видеоселекторда ўру берилган энг катта масалалардан бири — ёшлар балансини чиқариш. Бу биз учун ҳам жуда муҳим. Чунки мактаб битирувчиларини олиб қарайдиган бўлсак, уларнинг қанчаси коллежга ёки олий ўқув юртига киради. Қолганларнинг эса бандлигини таъминлаш керак бўлади, албатта, бу пайтда ёшлар баланси кўп келади. Эндиликда шу бўйича элемент тизим яратилиб, бунда ишга жойлаштирилиши лозим бўлган ҳар бир йўл-қўриқ билан маҳаллий ҳокимлик ва секторларнинг манзилли ишлаши йўлга қўйилади.

Иккинчи муҳим масала — ўсирилларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш. Буни содда қилиб мактабдан ташқари таълим, дейиш мумкин. Бу турли тўғараклар фаолиятини кўчатириш, мушоира ва спорт мусобақалари уюштириш, ички туризмни ривожлантириш масалаларини ўз ичига олади. Буларнинг барчаси, пировардида ўқувчиларнинг нафақат мактабда, балки ўқишдан бўш пайтлардаги вақтини ҳам мазмунли ўтказишга хизмат қилади. Шундагина улар ҳар то-

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири:

— Бугунги видеоселекторда ёшлар билан шуғулланишининг аниқ механизми белгилаб берилди. Шулардан бири мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида, умумтаълим мактабларида тўғараклар очилиш масаласи. Шу ўринда айтишим керакки, биз янги лойиҳа, яъни мактабларда кичик мусика ансамблларини ташкил этишни режалаштиришимиз. Айни пайтда бу борада Халқ таълими вазирилик билан ҳамкорликда ишляяймиз.

Мақсадимиз ўқувчиларда миллий

монлама етук инсонлар бўлиб қолмоға етади.

Халқ таълими ҳамда Маданият вазирилик ва бошқа мутасадди ташкилотларга фарзандларимизни тўғаракларга қизиқтириш бўйича ҳам топириқлар берилди. Албатта, бу борада қиладиган ишларимиз кўп. Масалан, Маданият вазирилик билан биргаликда бошқа мактабларда ҳам мусика мактабларининг филиалларини очиб вазираси олимизга турибди. Бу ҳар бир болага қўлайлиқ туғдиради. Негаки, оддий мактаб ўқувчиларининг барчаси ҳам мусика мактабига бормайди, филиалларни очсак, бемалол мусика сирларини ўрганиши мумкин бўлади.

Галдаги вазифа спорт майдончалари қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва уларни зарур анжомлар билан таъминлашдан иборат. Бу бўйича маҳаллий ҳокимликлар ёрдам бериш тақлифлари билан чиқилмоқда. Бу амалга ошган, нафақат ўқувчиларимиз, балки ўша ҳудудлардаги аҳолимиз ҳам спорт билан муносабатини шуғулланишлари учун шароит яратилади.

санъатимизга бўлган муҳаббатни янада кўчатириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга шароит яратиш беришдан иборат.

Давлатимиз раҳбари видеоселекторда бугунги пандемия шароитида давлат келиб чиққан ҳолда айна шу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш лозимлигини қайд этиб, бу борада устувор вазифарларни бирма-бир кўрсатиб берди. Бу биз учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

«ЎЗСУВТАЪМИНОТ» АЖ ТОМОНИДАН ВАЪДА БЕРИЛДИ



Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг марказида инсон туради. Оддий айтганда, юртдошларимизнинг тўқис ҳаёт кечириши учун зарур шароит яратиш, пировардида эса уларнинг эртага эмас, айнан бугун ўзини тўлиқ бахтли ҳис этиши учун қўлайликларни муҳайё қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сенатор сўрови

Уртакчилик, уларни қийнаб келаятган масалаларга ижобий ечим топиш чораларини кўрмоқда. Масалан, ўтган йили сентябрь ойида Тошкент вилоятининг Урта Чирчиқ тумани аҳолиси билан ўтказилган учрашув чоғида «Бешбой» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси ҳамда ушбу туман Кенгаши депутати Я. Мусаев мурожаат қилди. Унда қайд этилишича, 2005 йилга қадар ичимлик суви билан таъминланган маҳалла аҳли, мана, 15 йилдирки, бу неъматдан бебахра. Эъти-

бор қилинг, айни пайтда ушбу маҳаллага 420 та хонадонда 2 минг 417 нафар фуқаро истиқомат қилмоқда. Нима, уларнинг тоза ичимлик сувидадан фойдаланишга ҳаққи йўқми? Албатта, бор!

Узқондан сув ташиб келишдан безор бўлган маҳалла аҳолиси бир неча маротаба тегишли ташкилотларга ароз қилади. Масалан, «Сувқова» ташкилоти туман ва вилоят тўқималарига қайта-қайта мурожаат қилинган бўлса-да, афсуски, бу муаммо бугунги кунга

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ДЕПУТАТЛАР 2020 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ ИЖРОСИНИ КўРИБ ЧИҚДИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Давлат дастурининг 2020 йилда бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи муҳокама қилинди.



Халқ вакиллари таъкидлаганидек, бутун дунё бошига тушган синов, коронавирус пандемияси ҳажон мамлакатларининг иқтисодий-иқтисодий ўсиш суръатларига таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқариш жараёнларини суяйтирди, аввалдан тузилган қатор режаларни ўзгартиришга мажбур қилди. Бундай вазиятда мамлакатимизда Президентимиз томонидан коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида иқтисодиёт тармоқларининг жиҳдий йўқотишларсиз ишлашини таъминлаш, бунинг учун, аввало, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлари кўллаб-қувватлаш, аҳоли даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олишга қаратилган қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинган. Бу, ўз навбатида, пандемия оқибатларини омиштириш ҳамда иқтисодиёт тармоқларидаги ўсиш суръатлари кескин тушиб кетмаслиги учун бу борадаги саъй-ҳаракатларни кўчатиришга кенг шароит яратди.

Ҳисобот даврида депутатлар ҳам пандемия шароитида юзага келган вазиятни ўнлашга қаратилган чора-тадбирларнинг жойларда ижро этилишига кўмаклашиш мақсадида ўз фаолиятларини бир кун ҳам тўхтатмай, мамлакатимиз ҳудудларида бўлиб, халқ билан мулоқот қилиш асосида тадбиркорларга берилган имтиёزلардан қай даражада фойдаланилаётгани, мураккаб даврда аҳолини иқтисодий муҳофазалаш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишлар амалга оширилишига кўмаклашди. Бу борадаги мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил этган ҳолда, уларни жойида ҳал қилиш чораларини кўрди.

Парламентга Ҳукумат томонидан тақдим этилган ҳисоботда келтирилган маълумотларга кўра, мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг республи-

кадаги иқтисодий-иқтисодий вазиятга таъсирини омиштириш борасида ўз вақтида қўрилган чоралар натижа-сида 2020 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши аввалги йилдагига нисбатан 101,6 фоизни (шундан санат — 100,7, хизматлар — 102,3, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалиги 103,0 фоиз) ташкил қилган.

Ҳисобот даврида 9,8 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар, шу жумладан, 7,0 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳўкумат молия ташкилотларининг 2,8 миллиард доллар маблағлари ўзлаштирилган.

2020 йилда ялпи экспорт ҳажми 15,1 миллиард АҚШ долларига етган. Экспортни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижа-сида мамлакатимиз ҳудудларида 2,7 мингта янги корхоналар экспорт фаолиятига жалб қилинган, 210 та янги турдаги маҳсулотлар ҳамда айрим товар позициялари бўйича 40 та янги бозорга чиқарилган.

Мажлисда тақдим этилган ҳисоботда Давлат дастури ижросини таъминлашда иқтисодий соҳани ривожлантириш масалаларига устуворлик берилгани қайд этилди. Хусусан, аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, даромадларни ошириш, фан ва улзқисиз таълимни раванк топштириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, хотин-қизлар амалга оширилишига кўмаклашди. Бу борадаги мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил этган ҳолда, уларни жойида ҳал қилиш чораларини кўрди.

Биргина аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида 2020 йилда республика бўйича жами 378,1 мингта

иш ўрни ташкил этилган. Жумладан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини йўлга қўйиш, мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва вақтинча тўхтатилган иш ўринларини тиклаш мақсадида имтиёз ҳамда преференциялар берилган. Натижада ўтган йилда юридик мақомга эга бўлган 66 мингта янги кичик бизнес субъектида 168,9 мингта иш ўрни яратилган.

2020 йилги Давлат дастурида 284 та банд белгиланган бўлиб, шундан 206 та банд тўлиқ бажарилган, 20 та банднинг мuddати узайтирилган, 58 та банднинг ижроси юзасидан тегишли ҳужжат лойиҳалари қўриб чиқилмоқда.

Ҳукумат томонидан тақдим этилган ҳисоботда келтирилган рақам, кўрсаткич ва таҳлил депутатлар томонидан атрафлича қўриб чиқилди. Айниқса, сиёсий партиялар фракцияларининг аввалроқ бўлиб ўтган йилги ишларида Давлат дастурида белгиланган муҳим иқтисодий-сиёсий, социал-иқтисодий вазифарлар, чора-тадбирларнинг ижроси ҳолати қизгин муҳокама қилинган. Ҳар бир сиёсий партия фракцияси ўз нуктаи назарини, фикр-мулоҳаза ва тақлифларини илгари сурди. Амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, пандемия шароитида юзага келган объектив сабаблар туфайли Давлат дастури айрим бандларининг бажарилиши кечикаётгани, баъзи вазифарлар ижроси ҳозирда таъминланмагани қайд этилди.

Ҳусусан, **ЎзЛиДеП фракцияси** аъзолари ҳисобот даврида тадбиркорлик субъектларининг улзқисиз ишлашига шароит яратиш, айланма маблағларини кўчатириш мақсадида 5,8 мингта субъектга 9 триллион сўм қўйилган қўйма солиқдан салбий фарқ суммалари бюджетдан қўллаб берилгани, карантин даврида тижорат банклари томонидан

аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг 26,5 триллион сўмлик кредитлар бўйича тўловларининг мuddатлари 2020 йил 1 октябрга қадар узайтирилганини эътироф этди.

Шу билан бир қаторда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиялаштирилишида муаммолар борлиги, инвесторлар ҳўжжатларни расмийлаштиришда муаммоларга дуч келаятигани, бу эса ишбилармонлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш ва ҳўмия қилиш борасида зарур чоралар қўришни тақозо этиши таъкидланди.

«Миллий тикланиш» ДП фракцияси вакиллари коронавирус пандемияси билан боғлиқ юзага келган мураккаб вазиятга қарамай Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида белгиланган вазифарлар ижросини таъминлаш борасида самарали ишлар амалга оширилганини қайд этди. Хусусан, маданият соҳасида 500 дан ортиқ маданий-маърифий тадбирлар ўтказилгани халқимиз маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда катта тарғибот қуролига айланган кино санъатини ривожлантириш бўйича Давлат дастурида белгиланган вазифарларнинг ижроси тўла бажарилмагани фракция аъзоларининг эътиросига сабаб бўлди.

«Адолат» СДП фракцияси аъзоларининг фикрича, 2020 йил бутун дунё ҳамжамияти учун синовли йил бўлишига қарама-дан Давлат дастурининг халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган ислохотларнинг амалга оширилишига оид бандларнинг ўз вақтида бажарилиши ижобий ҳолат.

Айни чоғда дастурининг айрим бандлари ўз вақтида бажарилмай қолганига эътибор қаратилди. Фракция аъзоларининг таъкидлашича, бугунги кунда мамлакатимизда камбағаллик борасида аниқ рақамлар эълон қилинган, шундай экан, фуқароларимизни камбағалликдан қичқаришнинг Давлат дастурида назарда тутилган аниқ механизмлари ишлаб чиқилиши лозим.

«ЎзДеп фракцияси» аъзолари Ҳукумат томонидан иқтисодий соҳани ривожлантириш йўналишидаги ишларга тўхталиб, пандемия даврида аҳолининг иқтисодий ҳўмияга

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти билан ҳамкорликда «Сайлов қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзусида давра суҳбати уюштирилди.

Унда депутатлар, тегишли вазирилук ва олий таълим муассасалари мутасаддилари, Президент ҳўзуридаги Давлат бошқаруви академияси илмий ходимлари, Олий Мажлис палаталари ҳўзуридаги Ёшлар парламентлари аъзолари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов миллий сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, уни умумэтироф этилган халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва амалга оширилаётган демократик ислохотлар билан уйғунлаштириш, мамлакатимизнинг сиёсий нуфузини янги босқичга кўтариш асосий вазифарлардан бири эканлигини таъкидлади.

Бу борада қўйи палата депутатлари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидланганидек, сайлов қонунчилигининг конституциявий асосларини такомиллаштириш орқали муҳим масалалар ўз ечимини топмоқда. Хусусан, Президент сайлови, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий вакилик органларига сайловларни ўтказиш мuddати ўзгартирилаётгани, шунингдек, хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон фуқароларини айломотик ваколатхоналарнинг консуллик ҳисобида бўлиши ёки бўлмағлигини қатъи назар, сайловчилар рўйхатида киритиш тартибин жорий этиш белгилаётигани шунлар жумласидир.

Қонун лойиҳасида сайловларни молиялаштириш борасидаги мавжуд тартибнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб, парламент ва маҳаллий вакилик

муҳтож қатламларига кўмак кўрсатиш бўйича мамлакат миқёсида тизимли ислохотлар амалга оширилганини алоҳида эътироф этди. Хусусан, «темир дафтар» кам даромадли, вақтинча ишсиз фуқароларни манзилли қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этаётгани, уларни ишга жойлаштириш, доимий даромад манбаларини яратиш бўйича кенг қамровли чоралар қўрилаётгани реал самара бераётганига ўру берилди.

Шу билан бирга, фракция аъзолари томонидан Давлат дастурида белгиланган айрим меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш мuddати кечиккани, хусусан, Аҳолини иқтисодий ҳўмия қилиш концепцияси ишлаб чиқилмагани кўрсатиб ўтилди. Ушбу ҳўжжат қабул қилиниши иқтисодий нафақа тўлашини мукамал тизимини жорий этиш, ҳам даромадли оилаларга кўмак кўрсатиш қамровини кенгайтириш ҳамда нафақа тайинлашда оқиқ ва адолатли тизимни яратиш имконини бериши таъкидланди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари 2020 йилги Давлат дастури доира-сида экология ва атраф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш йўналишларидаги ишлар пандемия туфайли жорий этилган карантинга қарама-дан ўз вақтида амалга оширилганини таъкидлади. Биргина аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 73 фоизга етгани бунга аққол мисол сифатида келтириб ўтилди.

Ўз навбатида, тоза ичимлик сувига бўлган эътиёждан келиб чиқиб, чекка ҳудудларда сув таъминоти йўлга қўйиш чораларини кўриш, бунда маҳаллий давлат ҳўкимияти органларининг ролин янада кўчатириш лозимлиги таъкидланди.

Қизгин, амалий ва талабчанлик руҳида кечган савол-жавоблардан сўнг депутатлар Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини маъқуллади ҳамда Ҳукумат фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган тақлифлар акс этган тегишли қарорни қабул қилдилар.

Зиёда АШУРОВА («Халқ сўзи»).

МУНОСИБ МЕҲНАТ ОРҚАЛИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ САРИ

Давра суҳбатида Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш, барқарор ва муносиб иш ўринларини яратишга қаратилган миллий бандлик дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифарлар, ходимларнинг меҳнат ҳўқуқларини ҳўмия қилиш, муносиб ва хавфсиз меҳнат шартлоини яратиш чоралари таъминлаш бўйича ишлар ҳамда келгусидаги вазифарлар ҳўжжасида муносабатимизнинг ўзгаришлари юзасида қатъий қилиниши, мажбурий меҳнатнинг бутунлай бартараф этилишига сезиларли натижага эришилганлиги ҳамда фуқароларни мажбурий меҳнатга тизимли жалб этиш ҳолатлари учрамаганлигини қайд этилди.

Иштирокчилар томонидан бундай самараларга эришишда давлат раҳбарининг қучли сиёсий иродаси, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни бартараф этиш бўйича кескин чоралар қўрилганини, қишлоқ ҳўжалиги соҳасини модернизация қилиш, пахта ҳам ашёси учун давлат буюртмасининг бекор қилиниши каби омилар муҳим ўрин тутганлиги алоҳида таъкидланди. Айни чоғда терилган пахта ҳам ашёси учун тўлов миқдорининг оширилиши, меҳнат ва дам олиш шартлоининг сезиларли даражада яхшиланишига эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, 2020 йилда мамлакатимизда мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, унинг ҳар қандай қўри-нишларига барҳам бериш, ходимлар учун муносиб ва хавфсиз меҳнат ша-

роитларини яратиш борасида бажарилган ишлар халқаро ҳамжамият, хусусан, Жаҳон банки, Европа Иттифоқи, «Коттон кампейн» халқаро коалицияси, «Хьюман Райтс Вотч» халқаро нодавлат ташкилоти вакиллари, АҚШ, Германия ва Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчиликлари томонидан юқори баҳоланди.

Давра суҳбатида экспертлар томонидан ушбу йўналишдаги фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнати бутунлай бартараф этиш мақсадида ХМТ ва тегишли халқаро ташкилотлар, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги элчи-хоналари билан яқин ҳамкорликни кўчатириш, давра суҳбатида билдирилган тақлиф ва тавсияларни амалга олишга қатъий қилиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиладиган бўлди.

Айни чоғда Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда пахтачилик соҳасида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олишга қаратилган мониторинг ишларини давом эттириш, 2021 йилдан бошлаб иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам фуқаролар жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари кенг жалб қилган ҳолда мониторинг ўтказилишини йўлга қўйишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Ўрта Чирчиқ туманидаги Бешбой маҳалласини ичимлик суви билан таъминлаш чораларини қўриши-ниги ва натижа-сида 15 кун мuddатда маълумот тақдим этилиши-ни сўраймиз», мазмунда сенатор сўрови юборилган эди.

Сенатор сўровига берилган жавобда «Бешбой» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш масаласи «Ўзбекистон Республикасининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор лойиҳасига киритилгани ва бу муаммо 2021 йилда ҳал этилиши маълум қилинган. Шунингдек, ушбу маҳаллада 2,5 мингта яқин аҳоли ичимлик суви билан тўлиқ таъминланшига ваъда берилган.

Жуда яхши. Ваъданинг натижа-си қандай бўлар экан, қутайлик-чи? Сўз ва иш билриги ўз исботини топармикан? Ёки...

Кўтбидин БУРҲОНОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофса ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси.

Раҳим

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманидаги Янгиқийёт маҳалласида фаолият юритаётган тадбиркор Ойбек Тухтаев саноат ва бозорда ишлашга қўлдош бўлиш мақсадида...

ГОФРАКАРТОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ИШГА ТУШДИ



Бугунги кунда "Зарина файзли келажоғи" масъулияти чекланган жамияти номи остида иш бошлаган ушбу корхонада ойга ўртача 100 турга яқин 300 мингта гофракартон ишлаб чиқарилади.

Асосийси, мазкур корхона ишга туширилиши натижасида маҳалладаги 30 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланди.

Абдулғазиз Йўлдошев («Халқ сўзи»)

«ХАЛҚ ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАСИ» ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Арнасоў туманида бир қатор ишлар рўйбега чиқарилмоқда.

Туман ҳокими ташаббуси билан "Ғолиблар" маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли ва ёшлар учун "Халқ электрон кутубхонаси" ташкил қилинди.

Иновацион кутубхонадан фойдаланиш ва маълумот олиш учун махсус кутубхона баннерлари тайёрланган бўлиб, улар аҳоли гавжум жойлар, боғларга ўрнатилди. Китобсеварлар ушбу электрон кутубхона орқали ўзларини қизиқтирган бадий, илмий, публицистик асарларни қисқа муддатларда электрон шаклда...

Толибжон ЭРГАШЕВ («Халқ сўзи»)

50 ГЕКТАР ЛИМОНЗОР БАРПО ЭТИЛАДИ

Наманган вилоятининг Поп туманидаги Ором даҳасида ўзлаштирилмаган ерларнинг 50 гектарига замонавий иссиқхоналар барпо этилмоқда.

Маълумотларга кўра, тумандаги 50 нафар тадбиркорнинг лимончиликни ривожлантириш борасидаги ташаббуси қўллаб-қувватланиб, уларнинг ҳар бирига иссиқхоналар қуриш учун имтиёзли давр асосида 1,1 миллиард сўм кредит ажратилди. Ҳозирги кунга қадар зарур ҳужжатларни тижорат банки филиалига тўлиқ тақдим этган 40 нафар тадбиркорнинг ҳисоб рақамига 44 миллиард сўм маблағ келиб тушган.

Лойиҳа ижросини шу йилнинг учинчи чорагида ниҳоясига етказиш қўзда тутилган. Иссиқхоналар фаолият бошлаши билан уларда 500 киши меҳнат қилишга киришади.

Қудратилла НАЖИДДИНОВ («Халқ сўзи»)



МИЛЛИЙ ВА ЗАМОНАВИЙ ДИЗАЙН — ЁШЛАР НИГОҲИДА

Таъқидланганидек, кийиниш маданияти орқали инсон ўз дунёқараши, ён-атрофдагиларга бўлган муносабатини акс эттиради. Шу жиҳатдан, инсон эътидога либос, аввало, унинг ёши, ижтимоий мақоми ва мулоқот вазиятига мос бўлмоғи айтилади.

Жумладан, "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази билан ҳамкорликда ўтказиладиган ёшларнинг кийиниш маданияти хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўрганишга йўналтирилган сўровнинг таъкидлий жиҳатлари муҳокама қилинди. Айни чоғда "Нафосат" фестивали доирасида ўтказилаётган ва каби тадбирлар тавсия хусусиятига эга бўлиб, виждон ва эътиқод эркинлиги асосида...

халқимизга мос кийиниш маданиятини тарғиб қилишга қаратилганлиги алоҳида урғуланди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Миллий университети талабалари томонидан "Ўзбекистон ёшлари, миллий маданият ва қадриятлар" мавзусида тақдимот ўтказилди. Унда навқирон авлод ўртасида кийиниш маданиятини юксалтириш, миллий ва замонавий қадриятлар уйғунлигида...

«Халқ сўзи»

СОДДАЛАШТИРИЛГАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

аҳолининг оғирини енгил, мушкулени осон қилади

Президентимизнинг 2017 йил 12 декабрдаги "Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди. Соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, хизмат кўрсатиш таомилларини соддалаштириш, идоралараро электрон ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда давлат хизматлари ягона реестрини шакллантириш кабилар агентликнинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

Хаш-паш дегунча, агентлик ташкил этилганига ҳам уч йил бўлди. Ҳўш, уч йил давомида аҳолига давлат хизматларини тез ва сифатли кўрсатиш борасида қандай ислохотлар амалга ошди? Юртбошимизнинг "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ғояси амалда қайси ўзгаришларда кўринмоқда?

Ислохот

Ҳужжатлар сони қисқариб, турнақатор навбатлар камайди

Давлат хизматлари кўрсатишда илк бора мамлакат миқёсида экстерриториал тамойил ҳамда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш билан бир вақтда онлайн банк ҳисоб рақамларини очилиш механизми йўлга қўйилиб, муҳр ва штамплардан фойдаланиш мажбурияти бекор қилинди.

Давлат хизматлари марказлари орқали 2018 йилгача бўлган даврда фақат тадбиркорлик субъектларига 37 турдаги хизматлар кўрсатилган бўлса, бугунги кунда улар сони қарийб 150 тани ташкил қилмоқда. 2017 йилда тадбиркорлар 170 мингдан ортиқ давлат хизматларидан фойдаланган бўлса, ўтган 3 йилда жисмоний ва юридик шахсларнинг 25 миллиондан ортиқ мурожаатлари қабул қилинди. Бундан ташқари, соҳага доир 103 та қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди, айрим хизматлар соддалаштирилди.

70 дан ортиқ маъмурий регламентлар қабул қилингани ҳамда бунинг натижасида талаб этилаётган ҳужжатлар сони 167 тадан 79 тага камайtirилганини, хизмат кўрсатиш муддати ҳам 465 кундан 245 кунга қисқартirilганини таъкидлаш жоиз.

Биламиз, республиканинг чекка ҳудудларида яшовчи аҳоли учун туғилганлик ҳақида гувоҳнома олиш, нафақага чиқиш каби ҳужжатларни тўғри-лаш бирмунча қийинчилик туғдиради. Уларни расмийлаштириш учун неча-неча километр йўл босиб марказга келишлари талаб қилинади. Иши битиб, уйига қайтганча кун ботиб кетар эди. Туман марказидан узоқда (100 —

Бундан ташқари, тизимга мобил давлат хизматлари тушунчаси киритилди. Бунда транспорт қатнови мураккаб чекка ва тоғли ҳудудда яшовчи аҳоли учун махсус жиҳозланган улов ёрдамида мутахассислар бориб, сайёр жўр кўрсатади. Шу кунгача бундай мақбул, кулай ва шаффоф услублардан фойдаланган ҳолда мамлакатимиз бўйича бажарилган ишлар кўрсаткичи 570 мингга яқини ташкил этди.

Давлат хизматлари кўрсатишда кўзга ташланадиган асосий муаммо инсонларнинг соатлаб навбат кутиши, бу жараёнда кўплаб кўнгилсизликлар, келишмовчиликларнинг юзга келиши эди. Бу, айниқса, ҳар йили бўладиган олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонлари олдидан ҳужжат топшириш жараёнида кўзга яқол ташланарди.

Шуни ҳисобга олиб уни ҳудудий давлат хизматлари марказлари орқали олиш тизими йўлга қўйилди. Биргина 2019 йилда қарийб 120 минг нафар абитуриентнинг ҳужжатлари қабул қилинди, навбат билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш мақсадида дам олиш кунлари, шунингдек, 24 соат мобайнида хизматлар кўрсатилади.

Аҳолига янада қўлайликлар яратиш мақсадида Электрон рақамли имзо сертификатини онлайн олиш имконияти яратилди. Бунда фуқаролар марказларга бормасдан ҳолда, масофадан туриб давлат хизматини олиши мумкин.

Аёнки, оилада фарзанд дунёга келгач, ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни ҳам бошланади. Илгари туғилиш билан боғлиқ бўлган беш турдаги давлат хизматларини олиш



жорий қилиниб, бир вақтнинг ўзида туғилишни қайд этиш, болани поликлиникада рўйхатга қўйиш, турар-жойи бўйича ҳисобга кириштиш, суюнчи пулини тайинлаш ҳамда давлат мактабгача таълим муассасасига навбатга қўйиш хизматлари қамраб олинди.

Шаффоф тўлов тизими йўлга қўйилди

Ҳар бир соҳада бўлгани сингари пул билан боғлиқ масалаларда, тўлов жараёнларида ҳам аниқлик, ошқоралик ва шаффофлик керак. Давлат хизматлари кўрсатилишида тўловлар ҳақида "смс-хабар" юборилишининг

102 нафари (21 фоиз) шартли равишда лойиҳа деб топилди.

Бундан ташқари, Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ўртасида ўзаро ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Унинг доирасида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, бунга олиб келувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни бартараф қилиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилни таъминлаш чораларини қўриш ва бошқа ишларни амалга ошириш режалаштирилди.

Давлат хизматлари марказлари орқали 2018 йилгача бўлган даврда фақат тадбиркорлик субъектларига 37 турдаги хизматлар кўрсатилган бўлса, бугунги кунда улар сони қарийб 150 тани ташкил қилмоқда. 2017 йилда тадбиркорлар 170 мингдан ортиқ давлат хизматларидан фойдаланган бўлса, ўтган 3 йилда жисмоний ва юридик шахсларнинг 25 миллиондан ортиқ мурожаатлари қабул қилинди. Бундан ташқари, соҳага доир 103 та қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди, айрим хизматлар соддалаштирилди.

жорий қилиниши аҳолига енгиллик бериши билан бирга, тизимга нисбатан ишончини ҳам оширди. Ҳозир хизмат кўрсатишнинг ҳар бир босқичида тўланган пул маблағлари ҳақидаги маълумот мурожаат муаллифларининг телефон рақамларига "смс-хабар" тарзида келиб туради.

Тизим шаффоф бўлишида ходимларнинг ишга ёндашуви ҳам катта роль ўйнайди. Шуни ҳисобга олиб, коррупцияга йўл қўймайлик, бунга шарт-шароитлар яратилишининг олдини олиш, шунингдек, тизимда фақатгина ҳалол ва пок ходимлар фаолият юритишини таъминлаш мақсадида эътиборга молик ишлар амалга оширилди.

Ҳусусан, республика бўйича давлат хизматлари марказларининг 1 минг 438 нафар ходими навбатдан ташқари аттестациядан ва қайта аттестациядан ўтказилиб, 260 нафар ходим эгаллаб турган лавозимига нолийк, деб топилди. Бўш ўринларга малакали ҳамда меҳнатсевар кадрларнинг танлов асосида ишга қабул қилиш тизими йўлга қўйилди.

Шунингдек, Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг 473 нафар ходими аттестациядан ўтказилиб, шундан 208 нафари (44 фоиз) эгаллаб турган лавозимига нолийк,

МУАММОЛАРГА УЙМА-УЙ ЮРИБ ЕЧИМ ИЗЛАНЯПТИ

Бухоро вилоятида маҳаллабай ишлаш тизимини жорий қилишга киришилди. Ҳокимлик, тегишли корхона ва ташкилотлар вакиллари маҳаллалар кесимида ишчи гуруҳларга бўлинган ҳолда уйма-уй юриб, жойлардаги ҳақиқий аҳолини ўрганишяпти, муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Халқ билан мулоқот

Иш Олот туманидан бошланди. Бу бежиз эмас. Олот — юртимизнинг энг чекка ҳудудларидан. Туманда 38 та маҳалла фуқаролар йиғини бор. 100 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 2 806 нафари "аёллар дафтари", 1 212 нафари "ёшлар дафтари"га киририлган. Умумий ишсизлар сони эса 4 800 нафар. Ҳудудда инфратузилма, хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ муаммолар, афсуски, кам эмас.

Вилоят ҳокими Ботир Зарипов бошчилигидаги ишчи гуруҳ "Арабхона" маҳалла фуқаролар йиғинида хонадонма-хонадон юриб одамлар турмуш тарзи, ўй-ташвишлари билан қизиқди.

Ушбу маҳаллада истикомат қилувчи йигирмага яқин одам расман ишсиз. 60 га яқин йигит-қизлар чет элга қатнаб, ризқ-рўз топишмоқда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар бор.

Тўғри, ҳовлисида иссиқхона ҳўжалиги ташкил этган ёки паррандачилик, касана-чилик билан машғул фуқаролар ҳам оз эмас. Масалан, Тоҳир Қурбонов оиласида томорқадан самарали фойдаланилмаяпти. 3 сотих ерда иссиқхона барпо этилган. Бу ердан йилга уч марта ҳосил олинаётди. Ҳовлининг бир четигади мўъжаз ҳовузда балжик етиштирилган. Куржа, товуқ парваришланмоқда. Оила сўт-қатиққа ҳам ёлчиган. Беш-олти бош қорамол бор.

Шу билан бирга, бозор иқтисодиёти, боз устига пандемия шароитида қийналиб қолган, таъбир жоиз бўлса, калаванин учини йўқотиб қўйган оилалар ҳам йўқ эмас. Ана шундай хонадонлардан бири — Қажрамон Яхшиев оиласига ёрдам қилинган. Гап шундаки, оила салкам 15 сотих томорқага эга. Аммо ундан оқилана фойдаланилмаётган. Ваҳоланки, ернинг ҳам устали бор. Маҳалла ва тегишли банк мутасаддилари кўмағида томорқанинг бир сотихида иссиқхона қуриб бериладиган бўлди. Бўш турган майдон ҳашарчилар ёрдамида ағдарилиб, текисланди. Оилага имтиёзли тарзда бир бош қорамол ҳамда 50 та товуқ ажратишга қарор қилинди.

"Ҳайт, деган тугая мадад", дейдилар. Бугеги энди ушбу хонадон аъзоларининг сазой-ҳаракатларига, интилишларига боғлиқ, албатта.

Вилоятда ишчи гуруҳлар томонидан маҳаллабай ишлаш тизими асосидаги юмушлар давом эттирилмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»)



300 км.) жойлашган ҳудудларда ҳамда аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, давлат хизматлари марказининг филиаллари фаолиятни йўлга қўйилди. Бугунги кунда уларнинг сони 100 дан, кўрсатилган хизматлар сони қарийб 80 мингдан ошди.

унинг ота ёки она бешта жойга сарсон бўлиб югуради. Эндиликда бу ҳам бир вақтнинг ва бир жойнинг ўзида ҳал этиладиган бўлди. Яъни Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХД) органи орқали туркум (композит) тарзда хизмат кўрсатиш тартиби

Тадбир

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кийиниш маданияти тарғиботини ташкил этишга қаратилган "Нафосат" фестивали доирасида ёш дизайнер ва мутахассислар иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси томонидан уюштирилган тадбирда сенаторлар, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, "Ўзтўқима-чиликсаноат" уюшмаси вакиллари қатнашди.

Давра суҳбатида дизайнер ва соҳа мутахассислари томонидан бугунги ўзбек аёлининг имижини, хусусан, миллий кийимларнинг замонавий услубдаги андозаларини яратиш, моданинг менталитетимизга мос янгиликларни уларни миллий услубимизга мослаштириш юзасидан тақлифлар берилди.

«Халқ сўзи»



даланиш бўйича махсус тренинглр ўтказилмоқда.

Унда ходимлар томонидан Ягона интерактив давлат хизматлари порталида рўйхатдан ўтиш, электрон рақамли имзони олиш, солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР)ни аниқлаш ва олиш ҳақида батафсил маълумотлар берилмоқда.

Давлат хизматлари марказларига ташриф буюрган фуқароларга, уларнинг ҳолати кўра, электрон хизматлардан фойдаланиш тартиби тушунтирилмоқда. Бу борадаги билим ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш бўйича жойларда маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳамда таълим муассасалари масъул ходимлари учун маҳорат дарслари ўтилмоқда.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг мавжуд 60 миллионга яқин архив ҳужжатлари тўлиқ рақамлаштирилди. Ушбу органларда гербли гувоҳномаларни "ФХД" ягона электрон архиви" ахборот тизими орқали электрон кўринишда QR-коди бланкаларда чоп этиш тизими йўлга қўйилди.

Имконияти чекланганлар учун алоҳида қўлайлик

Имконияти чекланган шахсларга 2020 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб айрим туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларида синнов тарихида "surdo-online" планшети орқали хизмат кўрсатиш тажрибаси шакллантирилди.

Ушбу планшетлар интернетга уланган бўлиб, бевосита онлайн тарзда доимий равишда ишлайди ва шу вақтнинг ўзида операторга таржима қилади. Тизим орқали ашитиш ва гапиришида нуқсонли бор шахслар билан тўлақонли мулоқот таъминланади. Келгусида уни республикамизнинг барча ҳудудда жойлашган давлат хизматлари марказларида ҳамда ФХД органларида кенг жорий қилиш назарда тутилган.

Уч йиллик фаолиятни бир саҳифага сиғдириш осон эмас, албатта. Қилинадиган ишлар ҳали олдинда. Хусусан, фуқароларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида автоматотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш масаласи мақсадга мувофиқ. Олис ва боғиш қийин бўлган ҳудудларнинг инфратузилмаси, шунингдек, аҳолининг асосий қатлами смартфон телефон воситаларидан фойдаланиб келаётганликларини инобатга олиб, электрон давлат хизматларини оммалаштириш имконияти берувчи "Мобил илова"ни яратиш устида мутахассисларимиз томонидан ишлар бошлаб юборилган.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишни экстерриториаллик тамойили асосида амалга оширишни йўлга қўйиш ҳам муҳим.

Қолаверса, барча турдаги юридик шахсларни (нодавлат нотижорат ташкилотларидан ташқари) давлат хизматлари марказлари орқали давлат рўйхатидан ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш керак. Юридик шахсларни рўйхатдан ўтказуви ягона органни белгилаш тушунмовчиликларни бартараф этиб, ушбу соҳада ягона давлат сиёсати тизимли равишда олиб борилишига имкон беради.

Чет элда яшовчи фуқароларимизга қўлайлик яратиш мақсадида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларидан фойдаланиш учун қўлланиладиган электрон рақамли имзо калити сертификатини чет элдан туриб олиш ҳамда давлат хизматларини кўрсатиш имкониятларини яратиш ҳам тизим ривожланишига хизмат қилади.

Нўмон МУҲАММАДИЕВ, Давлат хизматлари агентлиги директори ўринбосари.

ГЛОБАЛ ИННОВАЦИОН ИНДЕКС

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН БУ ҚАНДАЙ АҲАМИЯТГА ЭГА?

Тан олиш керак, ушбу нуфузли рейтинг бўйича Марказий Осиё давлатлари ичида иккинчи ўринда (Қозоғистон — 77-ўрин, Қирғизистон — 94-ўрин, Тожикистон — 109-ўрин). Лекин бу сўнгги ўн йилликда рейтингдан жой олмай келаётган Ўзбекистон иқтисодиёти кўрсаткичлари учун жуда катта ва тарихий ютуқдир. Демокримизки, ҳаракат қилинса, кўзланган мақсадларга, албатта, эришамиз.

ГII. Бу, ўзи нима?

Хўш, бу индекснинг ўзи нима? Ким томонидан жорий этилган ва унда иқтисодиётнинг қайси соҳалари ёки кўрсаткичлари қамраб олинади?

Маълумки, Глобал инновацион индекс (GII — 2020) Корнелл университети (Cornell University), Европа бизнеси бошқаруш институтини (INSEAD) ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк таъкидотчилари (WIPO) ҳамда БМТнинг иқтисод-саноат-саноат агентлиги томонидан биргаликда нашр этилган. Ушбу индекс жорий йилда ўзининг "Инновацияларни қимматли қилиш" мавзусига бағишланган ўн учинчи наشريни тақдим этди. Мазкур наشريёт инновациялар иқтисодиёти ривожланишининг асосий омил эканлигини аниқлаган ҳолда, жаҳоннинг 130 та мамлакатининг инновацион рейтинг ва кенг тақдирларини ўзида муҳим ҳисоблагандир.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк таъкидотчилари (WIPO)нинг маълумоти бўйича, Глобал инновацион индекс — бу мамлакатларнинг инновацион имконият ва кўрсаткичлари рейтингидир. Бунда институтлар, инсон капитали ва тадқиқотлар, инфратузилма, кредит, инвестиция, коммуникация мезонларига асосланган ҳолда инновациялар даражалари ўлчанган.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг эътибори эътибори, Глобал инновацион индекс — бу улкан тадқиқот бўлиб, унда инновацион тараққиёт даражасига кўра, дунё мамлакатлари рейтингини тизилган. Демак, Глобал инновацион индекс мамлакатларнинг ҳар йили ўзларининг қобилият ва инновациялардаги муваффақиятларига қараб тизилган рейтинг. Бу рейтинг одатда корпоратив ва ҳукумат томонидан мамлакатларнинг инновацияларини ўзаро таққослаш учун фойдаланилади.

Мазкур Глобал инновацион индекс субиндексларга бўлинган ҳолда бир нечта баҳолаш компонентларидан иборат бўлади. Глобал инновацион индекс рейтингини кўрсаткичлари жаҳон мамлакатлари иқтисодиётини ўзида қамраб олиб, у 80 га яқин кўрсаткичлар асосида аниқланади (шақллантирилади).

Натижа чегара эмас

Шу ўринда Ўзбекистон бу нуфузли рейтингни қайси кўрсаткичлари билан забт этди, деган савол туғилиши ҳам мумкин.

Қўриқда айтганимиздек, бу рейтинг маълум мезонлар асосида ишлаб чиқилган. Лекин қарангки, жаҳон иқтисодий рақобатига ҳамоҳанг тарзда

Ўзбекистон Президенти томонидан белгилаб берилган Инновацион ривожланиш стратегиясининг бош мақсади: "Инсон капиталини ривожлантириш"га қаратилади. Демак, стратегия бош мақсадига эришишнинг натижаси сифатида 2030 йилга келиб, Ўзбекистоннинг Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг кучли 50 илгор мамлакатига қаторига кириши шарт қилиб қўйилди. Буни эса республикамизнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққиёт қилишини белгилловчи асосий омил сифатида баҳолаш ва эътироф этиш мумкин.

Рақамлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Глобал инновацион индексига кириш ва ундан жой олиш ҳаракатининг "дебюти" даёқ 100 дан деярли 25 даражага баҳони (баҳолаш даражаси 0 — 100) олишга эришди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси бўйича кучли бешталикка кирган етакчи давлат бўлди (Ҳиндистон — 48, Эрон Ислом Республикаси — 67, Қозоғистон — 77, Ўзбекистон — 93 ва Қирғизистон — 94). Шундай бўлса-да, Ўзбекистон даромадлиқ даражаси бўйича ўртачадан паст мамлакатлар қаторига киритилган (LM = lower-middle income).

Ўзбекистон 2030 йилга бориб, кучли 50 давлат қаторидан жой эгаллаши учун ҳозирги кўрсаткичлар бўйича олганда, 100 баллик рейтингда камидан 35 — 37 оралиқдаги рейтинг балли учун ҳаракат қилиши лозим. Уйлаймизки, бу йўлда имкониятчимиз ҳам, салоҳият ҳам етарли.

2030 йилда Ўзбекистонни Глобал инновацион индекс рейтингини тасаввур қилиш мақсадида бугун рейтингнинг кучли 50 талиқига кирган Россия Федерацияси мисолида фикримизни давом эттирсак. Ушбу давлат рейтингда 35,63 балл билан 47-ўринни эгаллаб турибди. Демак, биз яқин ўн йил ичида камидан Россия кўрсаткичларига эришишимиз керак бўлади. Ўз навбатида, кучли 50 талиқ даражасига етиш билан бирга, рейтингда республикамизда даромадлиқ кўрсаткичини ҳам кўтариб бориш талаб этилади. Ҳозир Россия "UM", яъни ўртачадан балан даромадга (UM = upper-middle income) эга бўлган давлатлар қаторига киритилган.

Глобал инновацион индекс рейтингини аниқлашнинг яна бир муҳим кўрсаткичи "Инновацион ресурслар субиндекси рейтингини" (IIS-2020) ҳисобланади. Мазкур рейтингда берилган баҳолаш натижаларига кўра, Ўзбекистон 131 мамлакат ичида 38,24 балл билан (баҳолаш даражаси 0 — 100) 81-ўринни эгаллади.

Албатта, бу рейтингда ҳам кучли 50 та давлатлар қаторидан жой олиш учун ҳозирги ҳолатимиздан юқорирак, яъни 44 — 47 балл оралиқда баҳога эга бўлишимиз зарур.

Глобал инновацион индекс рейтингини аниқлашнинг яна бир муҳим кўрсаткичи (компонент) бўйича Ўзбекистоннинг эгаллаган позициясини қуйдаги маълумотлардан кўриш мумкин:

«GII — 2020»даги рейтинг: 93 (131):

- институтлар (Institutions) — 95 (131);
- инсон капитали ва тадқиқотлар (Human capital & research) — 77 (131);
- инфратузилма (Infrastructure) — 77 (131);
- бозор нафислиги (Market sophistication) — 27 (131);
- ишбилармонликнинг жозибдорлиги (Business sophistication) — 127 (131);
- илмий ва технология натижалар (Knowledge & technology outputs) — 90 (131);
- ижод маҳсули (Creative outputs) — 127 (131).

Рақамлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг "Бозор ёки маркетинг жозибдорлиги" кўрсаткичи бўйича 100 балдан 27 баллга эга бўлган. Шунингдек, эътироф этиш керакки, бу кўрсаткич "GII — 2020 Rankings"нинг энг юқори даражаси ҳисобланади. Кези келганда айтиш жоиз, Россияда ҳам 7 та компонент бўйича Ўзбекистон каби натижа мавжуд эмас. (Масалан, Россияда энг юқори даража биргина "Инсон капитали ва тадқиқотлар" кўрсаткичига тегишли — 30 балл).

Ўзбекистон "Инсон капитали ва тадқиқотлар" (Human capital & research), "Инфратузилма" (Infrastructure) ҳамда "Илмий ва технология натижалар" (Knowledge & technology outputs) бўйича ўртачадан паст даражада баҳоланган. Албатта, 7 та компонентдан паст кўрсаткичлар ҳам бор. Жумладан, "Ишбилармонлик жозибдорлиги" (Business sophistication) ва "Ижод маҳсули" (Creative outputs) кўрсаткичлари жуда ҳам ҳавас қилгилуқ даражада эмас. Мазкур рейтингда бизнинг минтақамиздан жой олган (CSA — Марказий ва Жанубий Осиё) Ҳиндистон рейтингини 48-ўрини эгаллаган (ўтган даврданга нисбатан 4 поғона кўтаририлган) ҳамда юқоридаги компонентлар бўйича 27 — 64 оралиқда баҳоланган. Демак, кучли 50 талиқка кириш бизни икки баробар юқорилашга ва шунга яраша ҳаракат қилишга ундайди.

Минтақада «GII — 2020»га янги кирган ягона мамлакат

Шуни таъкидлаш мумкинки, Глобал инновацион индекс ҳисоботида Ўзбекистон бўйича кенг тўхталибди, мамлакатимиз Марказий ва Жанубий Осиё минтақасига кирувчи давлатлар ичида жорий йилда "GII — 2020"га янги кирган ягона мамлакат сифатида тан олинган алоҳида эътироф этилди. Бундан кўра, Ўзбекистон ўз олдида қўйган улкан мақсадлар сари дадил қадам ташлаб, мазкур нуфузли рейтингда 93-ўринни эгаллаган бўлса-да, айрим кўрсаткичлар борасида дунёнинг биринчи ўн талиқ мамлакатлари қаторидан жой олди.

Ўзбекистоннинг кучли деб тан олинган кўрсаткичлари қуйдагилардан иборат:

- биринчи, институтлар (95-ўрин): бунда бизнес учун қулай шарт-шароитлар (8-ўрин), бу, юқори кўрсаткичдир;
- иккинчи, инсон капитали ва тадқиқотлар (77-ўрин): бунда таълим ҳаражатлари (31-ўрин), ўқувчи-ўқитувчилар нисбати (38-ўрин), фан ва муҳандислик битирувчилари (7-ўрин) жуда ҳам



яқши кўрсаткичларга эга бўлди; учинчи, инфратузилма (72-ўрин): бунда умумий инфратузилма (41-ўрин), ҳукуматнинг онлайн хизмати (48-ўрин) ҳамда сармояларни жалб қилиш ва шақллантириш (8-ўрин) бўйича кучли эканлигини намойиш эта олди;

тўртинчи, бозорнинг нафислиги (27-ўрин): бунда индикатор озиқлик инвесторларни ҳимоя қилиш қулайлиги (36-ўрин), бу ҳам умумий рейтингда жуда яқши кўрсаткич, деб баҳоланди; бешинчи, фан ва технология натижалари (90-ўрин): бунда илм-фан (49-ўрин), патентлар (45-ўрин) ва самарадорликнинг ўсиши (12-ўрин) бўйича кўрсаткичлар юқори саналди;

олтинчи, ижодий натижалар (127-ўрин): бунда маданий ва ижодий хизматларни экспорт қилиш кўрсаткичи (33-ўрин) баланд кўрсаткич ҳисобланади. Таъкидламоқ ўринлики, буларнинг барчаси республикамизда иқтисодиёт рейтингини баҳолашни ошириш йўлида қўйилган ҳаракатлар натижаси, албатта. Келгусида инновацион ишланмаларга ҳаражатларни кўпайтириш ва унинг самарадорлигига эришиш талаб этилади. Шунга қарамасдан "GII — 2020"нинг рейтингига заиф (ўта паст) томонимиз ҳам кўзга ташланади. Демак, келгусида бу кўрсаткичларни янада ривожлантириш 2030 йилгача биз қўзлаган кучли 50 талиқка кириш имконини бериши мумкин.

Қуйдаги 7 та асосий кўрсаткич тарқибидан 6 тасида заиф томонимиз ҳам кўзга ташланади, жумладан:

- биринчи, институтлар (95-ўрин) бўйича: бошқарув сифати (127-ўрин) ва қонуни устуворлиги (124-ўрин);
- иккинчи, инсон капитали ва тадқиқотлари (77-ўрин) бўйича: Глобал R&D компаниялари (42-ўрин) ва QS университетларидаги рейтингини (77-ўрин);
- учинчи, бозорнинг нафислиги (27-ўрин) бўйича: соф микромолиялаштириш кредитлари (79-ўрин);
- тўртинчи, бизнеснинг жозибаси (127-ўрин) бўйича: чет эл томонидан молиялаштирилган GERD кўрсаткичлари (96-ўрин) ва АКТ хизматлари импорти (130-ўрин);
- бешинчи, фан ва технология натижалари (90-ўрин) бўйича: билимларнинг оммалашуви (131-ўрин) ва АКТ хизматлари экспорти кўрсаткичларида (129-ўрин);
- олтинчи, ижодий натижалар (127-ўрин) бўйича: "Интернет — ижодкорлик" (126-ўрин), умумий юқори даражадаги доменлар (TLDs) (131-ўрин) ва мобил иловаларни яратиш (98-ўрин).

Концепция — янада ривожланишга йўл очади

Ўзбекистоннинг халқаро индекслар ва рейтинг кўрсаткичларига эришишдаги муҳим қадамларидан бири сифатида ўтган йилнинг 29 октябрыда Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинганлигини айтиш мумкин. Концепциянинг стратегик мақсади этиб миллий иқтисодиётни тараққиёт топтиришнинг инновацион ва юқори технология форматига ўтиш, инновацион маҳсулотлар ҳажмини кенгайтириш, инновацион ёндашувга ҳамда илмий тадқиқотлар ва эришилган натижаларга асосланган илмий ечимини топиш, халқаро мисқасда илмий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари қўйилган.

Ушбу концепцияда қуйдагилар алоҳида қайд этилган. Яъни ҳозирги кунда илм-фан ва илмий фаолиятга йўналтирилган маблағ мамлакат янги ички маҳсулотининг атиги 0,2 фоизини ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич қатор ривожланган ва ривожланаётган давлатлар томонидан илм-фанга йўналтирилган маблағларга нисбатан кам. Шунингдек, илмий тадқиқот ишлари натижаларини тижоратлаштириш даражаси юқори эмас. Бу эса илмий ташилотлар ва улар томонидан йўлга қўйилган инновацион корхоналарга инвестиция ва банк кредити таъминлашнинг жабб қилиш имкониятини бермаслиги келтириб ўтилган. Демак, 2030 йилга қадар Глобал инновацион индекс рейтингини юқори поғоналарни эгаллаш учун айрим паст деб баҳоланган кўрсаткичларни яхши-лаб бориш керак бўлади.

Бунда қуйдагиларга эътиборни қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз: инсон капитали ва тадқиқотлари компоненти бўйича илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига ҳаражатларни ошириш ҳамда технологиялар трансферини ривожлантириш; бизнеснинг жозибаси компоненти бўйича ҳориқий компаниялар томонидан молиялаштирилган (GERD) кўрсаткичларни янада яхшилаш ҳамда АКТ хизматларини кенгайтириш;

фан ва технология натижалари компоненти бўйича билимларнинг оммалашуви бундан-да ошириш ва тараққиёт этириши; ижодий натижалар компоненти бўйича интернет ижодкорлиги ҳамда мобил иловаларни яратишни такомиллаштириш.

Бугунги кунда пандемиянинг таъсирига қарамасдан, Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида мувофиқ, чоп этилган илмий мақолалар сони, улардан иқтисодиёт келтириш индекси, халқаро конференциялар ва семинарларда иштироки, патентлар сони бўйича энг фаол олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосида улар фаолиятининг тадқиқот йўналишини доимий равишда қўлайитириш бориш зарур.

Ўзбекистон Глобал инновацион индекс ("GII — 2020") рейтингини давом даражасида қўллаб-қувватлаш бўйича қўлайитириш бўлиб қолган. Шунинг билан айта оламизки, Ўзбекистон инсон капитали, илм-фан ва технологияларини ривожлантириш натижасида 2030 йилда бош мақсад қилинган кучли 50 та давлат қаторидан жой олади. Эеро, Президентимиз таъкидлаганидек, илм-фанга интилиш бизнинг қонимизда, бугунги тил билан айтганда, генимизда бор.

Нурбек РИЗАЕВ,
Тошкент молия институтининг
бухгалтерия ҳисоби кафедрасининг
профессори в.б., иқтисодиёт
фанлари доктори.

Банк ва мижоз ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРДА ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

Тошкент вилоятида фаолият юритаётган "ZAK-QOQ'OZ" маъсуляти чекланган жамиятига 2007 йилда асос солинган. Айтиш жоизки, ушбу корхонада ишлаб чиқарилаётган санитар-гигиеник маҳсулотлар — қоғоз сочиқ, салфетка ҳамда нам салфеткалар "Elma" бренди остида танилган.



Хўш, нима учун "Elma" номи танланди? Сабаби ушбу савдо белгиси республикамизнинг барча ҳудудига тез ва осон танилган бренд ҳисобланади. Шу боис бундан 21 йил аввал компания маҳсулот ассортименти ушбу савдо белгиси орқали кенгайтиришга қарор қилди. Табиийки, бу ўз-ўзидан бўлмади, яъни лойиҳани амалга ошириш катта маблағ сарфини талаб этади.



Мазкур масалага тез орада ечим топилди. Гап шундаки, корхона режасини рўёбга чиқаришда "Uzbek Leasing International" АЖ ҚҚ қоғамга қўл келди. Мазкур истикболли лойиҳа "Миллий банк" АЖнинг кредит линоиси ҳисобидан молиялаштирилди.

Жиҳозлар лизинг тўғрисидаги "ZAK-QOQ'OZ" компанияси ишлаб чиқариш қувватини янада ошириб, янги маҳсулот тури, яъни нам салфеткалар тайёрлашни йўлга қўйди. Бу хали ҳаммаси эмас. Кейинчалик, аниқроғи, 2015 йилда компания муваффақиятли ҳамкорлик эвазига лизинг шартини билан қоғоз кесувчи машина — "хресчен-формер" принципини бўйича ишловчи замонавий жиҳоз сотиб олишга муваффақ бўлди.

— Хитой давлатидан келтирилган янги машина суткасига 25 тонна санитар-гигиеник қоғоз ишлаб чиқаради, — дейди "Elma" корхонаси директори Қаҳрамон Набиев. — Бу эса нафақат мамлакат ички бозорини, балки ҳориқий истеъмолчиларнинг ҳам ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини таъминлайди. Бундай илгор усуллар Марказий Осиёда мавжуд эмас. Мазкур сўнгги румуддаги техника компанияда иш ўринлари сонини икки баравар ошириш имконини берди.

Энг асосийси, "Elma" номи остида ишлаб чиқарилаётган барча турдаги маҳсулотлар Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон, Афғонистон каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Корхона жамоаси келгусида ҳам ўз фаолиятини кенгайтириш орқали маҳсулотлар ассортименти янада кўпайтириш, янги иш ўринларини яратиш, соҳага илгор техника ва ускуналарни таъкид этишни мақсад қилган. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш билан бирга, аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Банк материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Хизматлар лицензияланган.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ТАЙЁР БИЗНЕС-РЕЖА, ИНСОН ИШТИРОКИСИЗ КРЕДИТ

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ томонидан мижозларга қулайлик яратиш мақсадида ана шундай янгиликлар жорий этилмоқда

Рақобат кучайган бугунги давр ҳар қандай жамоадан изланиш ва ташаббускорликни, мухтарам айтганда, замонавийликни талаб этади. Ҳозир мижозлар, истеъмолчилар эътиборини қозониш осон иш эмас. Республикадаги йирик молия муассасаларидан бири ҳисобланган «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси, айтиш мумкинки, ушбу вазифани ортинги билан уқдаламоқда. Зеро, ўтган йилги натижалар ва бу йилги режалар шундан далолат беради.



Гап шундаки, яқинда мазкур молия муассасаси бошқарувининг 2020 йил якулари ва 2021 йилга мўлжалланган устувор вазифалари муҳофазатига бағишланган йилги маълумоти бўлиб ўтди. Унда дастлаб Президентимизнинг ўтган йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида келтириб ўтилган вазифаларга тўхталинди, банк тизимига доир масалалар чуқур ўрганилди.

Айниқса, маҳаллабай ишлаш услуби юзасидан 11 — 16 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ўтказилган ўқув-амалий семинар натижаларини ҳудудий филиаллар ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳамда мазкур тизим бўйича ишларни изчил йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди.

Йилги маълумотида бошқарув аъзолари томонидан банкнинг жорий йилга мўлжалланган стратегик режаси муҳофазат этилиб, Мурожаатномада келтирилган соҳага оид вазифаларга мувофиқлаштирилди. Банкнинг 2020 йил якуларини бўйича фаолияти сарҳисоб қилинди.

Ҳисобот даврида банк активлари 49 трлн., кредит портфели 39,9 трлн., жами депозитлар 11,4 трлн. ҳамда умумий капитал 6,7 трлн. сўми ташкил этди. Бир йил давомида банк томонидан жами 978 та лойиҳа, шундан ҳудудларни ривожлантириш дастурларига асосан, 966 та лойиҳа молиялаштирилди. Шахрисабз туманидаги "Шахрисабз текстиль" МЧЖнинг йилгига 5,8 минг тонна синтетик тола ва мато ишлаб чиқариши, Фарғона шаҳридаги "Ўз-сеганг" қўшма корхонасининг 5,8 минг тонна қишлоқ

ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, Сардоба туманидаги "Сардоба оқсарой текстиль" МЧЖнинг йилгига тайёр ҳолдаги 1,4 миллион дона маҳсулот ва 900 минг тонна мато ишлаб чиқариш қувватига эга лойиҳалари шулар жумласидандир.

Коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатиш борасида қўрилган чора-тадбирлар ҳам эътиборга молик. Хусусан, қийин аҳволга тушиб қолган 1 235 нафар тадбиркорни қўллаб-қувватлаш учун 4 трлн. сўм, 91 та экспортчи корхонага 2,6 трлн. сўм кредит ажратилди, 3 809 та мижознинг 2,9 трлн. сўмлик кредитлари мuddати 6 ойга узайтирилди. 132 та экспортчига айланма маблағларни тўндириш учун 3,6 трлн. сўм берилди.

Халқаро молия корпорацияси қўмағида Ўзбекистонда биринчи бўлиб "ашил" лойиҳаларни молиялаштириш механизми йўлга қўйилди. Натижада 31,9 миллион долларлик 17 та ана шундай лойиҳага маблағ йўналтирилди.

"SQB consult" компанияси билан ҳамкорликда барча ҳудудда молиявий савдо-хонлиқни ошириш мақсадида ўқув курслари ташкил этилди. Бугунги кунда тадбиркорларга бизнес-режа ишлаб чиқиш, молияни баҳолаш, импорт шартномасини экспертиза қилишда ёрдам кўрсатилмоқда. Бундан ташқари, Халқаро молия кор-



порацияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки экспертлари қўмағидаги банкни трансформация қилишнинг 2-босқич ишлари якунига кўра, халқаро стандартлар асосида корпоратив бошқарув ва риск менежмент тизими такомиллаштирилди. Кенгаш таркибига банк-молия соҳасида халқаро тажрибага эга тўрт нафар мустақил аъзо киритилди. Корпоратив бошқарув хизмати жорий қилиниб, кенгаш таркибига 5 та янги қўмига ташкил этилди.

Мижозларга йўналтирилган янги ташкилий тузилма халқаро тажрибалар асосида 5 та блокка ажратилди. Ҳар бир бизнес йўналишида мижозбай хизмат кўрсатувчи универсал ходимлар тайёрланди. Мижозларни тезкор кредитлаш усулида тадбиркорлар учун 26, йирик корхоналарга 8 ва аҳоли учун 22 турдаги модулли кредитлар йўлга қўйилиб, шу асосда 630 миллиард сўм миждорларга маблағ ажратилди.

Кредитлашда инсон омилли иштирок этилмайдиган, янги скоринг тизимига асосланган андеррайтинг йўлга қўйилди. Аввалги 5 поғонали кредитлаш тизими 2 поғоналига туширилди.

Молиявий режалаштириш ишларини автоматлаштириш йўналишида Германиянинг "SAP" компанияси дастури асосида молиявий прогнослаштириш тизими ишга туширилди.

Бундан ташқари, "CERT" халқаро стандартлаштириш ташкилоти билан ҳамкорликда "антикоррупция" тизими йўлга қўйилди.

Чакана бизнес йўналишида ишлаётган ходимларни КРП тизими асосида рағбатлантириш амалга таъбиқ қилинди.

Рақамли банк хизматларини кўрсатиш йўлида аҳоли учун мутлақо янги 58 та хизмат турини ўз ичига олган "JOYDA" мобил иловаи ишга туширилди. У билан биргаликда хизмат ва товарларни истеъмол кредити ҳисобида масофадан сотиб олиш имконини берувчи электрон савдо майдончаси (маркетплейс) ташкил этилди.

Банкни мижозларга янада яқинлаштириш мақсадида 42 та банк хизматлари офиси ва 89 та ўз-ўзига хизмат кўрсатиш маркази (24/7) очилди.

Жорий йилда эса банк умумий активлари ҳажмини 52,2 трлн. сўмга, кредит портфелини 44,4 трлн. сўмга ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг жами де-

Сарҳисоб

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Аxbорот ва оmmавий коммуникациялар агентлигидa 0001-рaқaм билан руйхaтга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртмa Г — 148. 30 673 нусхaда босилди, ҳажми — 2 тaбoқ, Oфсет усулидa босилган. Қoғoз бичими А—2. Баҳoси келишилган нархдa.

Гaзетaмиз ҳaқидaги маълумoтларни қўлaб олиш учун Oй-қoғoзнинг телефoнлик орқaли сoвeрo қилинг.

ISSN 2010-0784

Тaхрирaтга кeлгaн қўeғмaлар тaқрир қилинмaйдaн вa муaллaҳгa қaйтaрилмaйдa.

Гaз